

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 28 март кунин Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисини Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган ва бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган иккита Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Чунинчи, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янги таҳрирда) кўриб чиқиш вақтида қонун фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштиришга, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга, шунингдек, давлат органлари фаолияти устидан жамоат назоратини амалга ошириш тизимида маҳалланинг вазифаларини кенгайтиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Қонун билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолининг ижтимоий ноҳор қатламларини қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга оширишда, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган ёшлар никоҳдан ўтаётганида ҳамда тўй тантаналарини ўтказётганида уларга моддий ёрдам кўрсатиш, боласи икки ёшга етмаган, ишламаётган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ва уларнинг ўринини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш каби ваколатлари анча кенгайтирилди.

Фуқаролар йиғинларининг кенгашларига аҳолини, шу жумладан ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож ёлғиз қолган кекса фуқароларни, пенсионерларни ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларга ишга жойлаштиришга қўллаб-қувватлаш масалаларида қўшимча ваколатлар берилмоқда. Сенаторлар ушбу қонунни маъқулладилар.

Сенаторлар «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янги таҳрирда) муҳокама қилар эканлар, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилганлигини, бу тизим катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳамда аҳолининг ҳурмати ва ишончини қозongan муносиб фуқаролар раислар ва уларнинг мас-

лаҳатчилари этиб сайланишини, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада демократлаштиришнинг очкилигини таъминлашини таъкидладилар.

Шунингдек, қонун билан фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйилган қўшимча талаблар белгиланмоқда, жорий этилаётган тартибга кўра фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар ўз чиқишларида келгусидаги фаолиятлари дастурини эълон қилишлари керак.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва ўтказишдаги ваколатлари кенгайтирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши сайлов ўтказишнинг аниқ мuddатларини ҳамда тайёрлик тадбирларининг тартибини белгилайди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янги таҳрирда) кўриб чиқдилар. Муҳокамада сўзга чиққан сенаторлар ушбу қонун йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик асослари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мустаҳкамлашнинг, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, шунингдек, атроф-муҳит ҳимоя қилинишини таъминлашнинг муҳим омилли эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Қонуннинг янги таҳририда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари, давлат бошқаруви, бу ишни ташкил этишда жамоатчиликнинг иштироки масалалари аниқ тартибга солинган. Йўлларнинг ҳолатига, фаолиятини транспорт воситаларини ишлатиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларга, уларнинг ҳодимларини ўқитиш, малакасини ошириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва уларнинг билимларини текширишга қўйилган талаблар жиддий ўзгартирилмоқда, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Сўзга чиққан сенаторлар ушбу қонуннинг асосий мақсади Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги жараёнини амалга оширишнинг мавжуд тартибини янада такомиллаштиришдан, қонун лойиҳаларини парламент кўйи палатасида кўриб чиқишда сиёсий партияларнинг фракциялари ва депутатлар гуруҳлари иштирок этишининг процессуал механизминини такомиллаштиришдан иборат эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

Кўннинг муҳим воқеалари

► «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ва «Ҳаёт учун» кўкрак беши саратони миллий уюшмасининг йирик лойиҳаларидан бири бўлган «Биз – бир жамоа, биз – бир оилани» ижтимоий акциясининг дастлабки тадбирлари Тошкент вилоятида ўтказилди.

► Сирдарё вилояти Бахт шаҳрида тиббий бөлглов материаллари ва гигиеник момиқ пахта ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона иш бошлади. Корхонада 500 янги иш ўрни яратилган бўлиб, ишчиларнинг аксарияти коллеж битирувчиларидир.

► Қўнғирот туманида гўштни қайта ишлайдиган янги цех қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Қорақалпоқдефекатес» масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу янги цехда 20 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди. Бу ерда кунига икки тонна гўшт қайта ишланиб, ун хил маҳсулот тайёрланмоқда.

► Бекобод шаҳрида Ёшлар маркази фаолият бошлади. Бу ерда маънавий-маърифий тадбирлар ва турли ўқувлар ўтказишга мўлжалланган 308 ўринли зал барпо этилган.

► «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик» поезди Навоий вилоятида бўлиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатди.



Қарши шаҳрилик Гулжаё Абдуллаева аънавий миниатюра ҳамда замонавий кўринишдаги миниатюраларни буюмлар ва сувенирлар юзасига туширади. У яқиндагина Президентимизнинг қарорига биноан Зулфия номидаги Давлат муқофотига сазовор бўлган эди. Ёш бўлишига қарамай барчага ибрат бўлиб келаётган Гулжаё «Ташаббус»да вилоят бўйича ғолиб бўлиб, республика босқичида ҳам ўз имкониятларини синаб кўрмоқда.

ЯХШИЛАРНИНГ ЯХШИСИ БЎЛИШ УЧУН БЕЛЛАШМОҚДАЛАР

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР ВА ХУНАРМАНДЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН АЪНАВИЙ «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Куни кеча «Туркистон» саройида «Ташаббус-2013» кўрик-танловининг мамлакат босқичи иштирокчилари маҳсулотлари кўргазмасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда таъкидланганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодийётдаги муҳим ва салмоқли ҳиссаси билан тараққиёт ва фаровонликни таъминлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу соҳа аҳолини иш билан таъминлаш, барқарор даромад манбаларини яратиш, истиқболли тармоқлар ривожига муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда иш билан банд аҳолининг 75,7 фоизи айна шу соҳада хизмат қилаётгани, кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши йил сайин ошириб бораётганлиги ҳам фикримиз далилидир. Хусусан, 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи ушбу соҳа вакиллари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2012 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 54,6 фоизга етди. Унинг са-



ноатдаги улуши эса 22,2 фоизни ташкил этмоқда.

Соҳа вакиллари яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ҳалқро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этиляпти. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди.

Яратувчиликка, халққа хизмат қилишга бел болаган кўплаб юрtdошларимиз ўзининг орзу-истакларига тадбиркорлик орқали эришмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, буларнинг барча-

си соҳага қаратилган эътибор, яратилаётган шароит, қулайлик ва энгилликларда. Қолаверса, муносиб рағбат уларни янада шижоат ва ташаббускорлик билан меҳнат қилишга ундамоқда.

Мана шундай рағбатлардан бири Президентимиз соврини учун аънавий ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловидир. Ушбу тадбир тадбиркорликни ривожлантиришга, соҳада эриштирилган илғор тажрибаларни оммалаштиришга, имкониятларни юзага чиқаришга, барчани фаол бўлишга ундаётган.

Аънаво кўра, кўрик-танловнинг асосий ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси бўлиб, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Ўзбекистон халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари, «Хунарманд» уюшмаси, «Қамолот» ЁИХ, Ўзбекистон Қасба уюшмалари федерацияси, шунингдек, бир қатор вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлиги ва молиявий кўмаги асосида ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

САНОАТЧИЛАРНИНГ САМАРАЛИ КЕЛИШУВЛАРИ

ТОШКЕНТДА «UZBEKISTAN INDUSTRIAL FORUM – 2013» БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО САНОАТ ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Анжуман доирасида «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида бир қанча йўналишлар бўйича бирлашган саноат соҳасига тегишли ускуналар, маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ўтказилмоқда.

«UzSpectechExpo-2013» (Ихтисослаштирилган техника; бутловчи қисмлар ва сервис асбоб-ускуналар), «UzMetalMashExpo-2013» (Металлургия, металлсозлик, машинасозлик), «UzMiningExpo-2013» (Тоғ-кон саноати учун технологиялар ва асбоб-ускуналар), «UzSecureExpo-2013» (Хавфсизлик тизимлари; меҳнатни муҳофазалаш, ёнгина қарши хавфсизликни таъминлаш ускуналари), «UzAutomationExpo-2013» (Саноатни автоматизациялаштириш) йўналишлари бўйича ўтказилаётган кўргазмалар шулар жумласидан.

Ушбу тадбир Фавқуллода вазиятлар вазири, Савдо-саноат палатаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Узавтйўл» ДАК, ИИБ Ёнгина хавфсизлиги бош бошқармаси ва «Ўзмонтажмаҳсул қурилиш» уюшмаси кўмагида IEG Uzbekistan кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон, Германия, Швейцария, Шотландия, Буюк Британия, Хитой, Беларусь, Украина, Россия, Қозғистон, Литва ва бошқа давлатлардан 50 дан ортиқ корхона иштирок этмоқда. Жами иштирокчиларнинг 85 фоиздан ортигини чет эл компаниялари ташкил этмоқда. Анжуманнинг иши асосан сано-

ат корхоналари ва илмий ташкилотлар ютуқларини намойиш қилиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш, инновация фаолиятини ривожлантиришга қаратилди. Бу нафақат ўзига хос коммуникация услуби, балки ички ва ташқи бозорга янги технологиялар, замонавий асбоб-ускуна ҳамда бутловчи буюмларни тақлиф этиш билан машғул бўлган маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳаракат — иқтисодий сиёсат воситаси ҳамдир.

Маълумки, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ри-



Аскар ЕҚУБОВ (ЎЗА) олган сурат.

вожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида мамлакатимиз саноатини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, замонавий юқори технология ускуналар билан қайта жиҳозлаш жараёни давом этмоқда. Натижада замонавий техника ва технологияларга бўлган талаб ортиб, жаҳондаги асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналарда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Масалан, «Ўзметкомбинат» 2013

йилнинг иккинчи ярмида пўлат қувурлар ишлаб чиқариш объектининг қурилиш ишларини бошлашнинг режалаштирган. Жорий йилнинг учинчи чорагида молиялаштириш манбалари белгиланиб, асбоб-ускуналар харид қилиш учун тендер эълон қилинади. Комбинат негизда турли диаметрдаги мис қувурлар ишлаб чиқариш бўйича янги корхона ҳам ташкил этилмоқда. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» эса металл қуйиш корхонасини реконструкция қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида давлат мулкани хусусийлаштириш, хусусий мулкчиликнинг улуши ва тутган ўрнини ошириш, корхоналарни модернизациялаш, яъни техник ва технология янгилаш орқали рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш борасида Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ЭРКИН РАҚОБАТ МУҲИТИ ХУСУСИЙ СЕКТОР ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ

Миллий матбуот марказида Президентимизнинг 2012 йил 25 апрелдаги «2012–2013 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда соҳа мутахассислари эътироф этишганидек, давлатга тегишли, фаолият юритмаётган, кам қувватли корхоналарни, қурилиши тугалланмаган ва бўш турган объектларни аниқлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали уларнинг негизда янги ишлаб чиқариш корхоналари ва қўшимча иш ўринларини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Унга кўра, хусусийлаштирилган корхоналарга хорижий инвесторларни ва маҳаллий тадбиркорларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш,

янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ҳамда рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида маҳаллий корхоналарга замонавий технологияларни келтириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Биргина ўтган йили ушбу мақсадларда 87 та давлат объектлари сотилган бўлиб, 27,4 миллиард сўм ва 2,5 миллион АҚШ долларилик олди-сотида шартномалари имзоланган. Айна пайтда 194 та давлат мулк объектлари баҳоланган. Шундан 117 таси оммавий савдоларга қўйилган, 35 давлат мулкоти сотилган. Қолганларини давлат активлари бўйича оммавий савдоларга чиқариш амалга оширилмоқда. Энг асосийси, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги иш ўринларини яратишга эришилмоқда.

Юртимиздаги қулай ишбилармонлик ва эркин рақобат муҳити хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш имконини бермоқда. Хорижий инвесторларга яратилган шароит натижада улар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансида бўлган паст ликвидли объектларни «ноль» харид қилишга, аниқ инвестиция қиймати шарт билан сотиб олиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Давлат тендер комиссиясининг тегишли қарорига биноан, ҳудудларда жойлашган 42 та паст ликвидли объектларнинг рўйхати тасдиқланган. Ҳозирги кунда ушбу объектлар негизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш ҳамда хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Озод ОЧИЛОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.



ЯХШИЛАРНИНГ ЯХШИСИ БЎЛИШ УЧУН БЕЛЛАШМОҚДАЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Республика босқичи ном-зодлари учта асосий йўналиш — "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери" ва "Йилнинг энг яхши хунарманди" ҳамда кўшимча — "Йилнинг энг ёш тадбиркори", "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли", "Йилнинг энг яхши инновацион лойиҳаси", "Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор", "Энг яхши солиқ тўловчи", "Менин юртим — менин ифтихорим" номинациялари бўйича беллашмоқда.

Кўргазма залларини айланар экансиз, дид билан безатилган маҳсулотларни кўриб кўзингиз кувнайдиган. Иштирокчиларнинг қай бири билан сўхбатлашган, эришилаётган ютуқларнинг асосий омиллиги гамаҳурлик, эътибор ва яратилган берилаётган шарафидан эканлигини таъкидлашди.

Кичик бизнес. Ушбу соҳани тадбиркорлик ҳам деб атаймиз. Бир тадбир билан мушкул вазиятдан чиқиб кетишни удралайдиган, од-

— Дастлаб ишни сутни қайта ишлашдан бошлаган эдик, — дейди Бухоро вилояти Жондор туманидаги "Жондор чашмаси" МЧЖ раҳбари Мамлакат Тошева. — Тадбиркорликка яратилган шарафидан, имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Утган йили корхонамизни модернизация қилдик. Инвестиция киритдик. Хозирда бир кечакундузда 2 тонна сутни қайта ишлаб, 10 га яқин маҳсулот тайёрлаёмиз. Қолаверса, кўшимча тармоқларни йўлга қўйдик. Жумладан, тикувчилик цехи ва иссиқхона ишга туширилди. 30 нафар киши иш билан таъминланди. "Ташаббус" бизни янги марраларга, янги чўққиларга ундайди. Ушбу тадбир катта таъжироба маъдон, имкониятларни намойиш этадиган жой деб биламан. Биз тадбиркорларга яратилаётган шарафидан ташқари, бу каби рағбатлар, совринлар, албатта, ишимизга ижобий таъсир этади, руҳлантиради.



онгу шуури ўзгармоқда. Аҳоли турмуш даражасининг ўсиши биз ишлаб чиқараётган мебелларга талабни оширмоқда. Бунини инобатга олган ҳолда замонавий технологиялар ўрнатдик. Махсулотларимизнинг сифат ва дизайни яхшиланган. Қолаверса, ишончимиз ёшлардан. Эллика яқин ишчиларимизнинг тўқсон фоизини ёшлар ташкил этади.

Бугун фермер — қишлоқда етакчи кучга айланмоқда. Яъни қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган, уни қайта ишлаб, қишлоққа саноатни олиб кирадиган, қишлоқ инфратузилмасини янада такомиллаштирадиган, кўплаб янги иш ўринлари яратадиган, қишлоқни обод этадиган инсонга айланмоқда. Бунини кўргазма залларидаги намойишлар ҳамда фермерларнинг фикри мулоҳазаларидан билиш мумкин.

Президентимизнинг ташаббуси, эътибори ва гамаҳурликлари билан бугун фермер бўлдик, — дейди Фаргона вилояти Риштон туманидаги "Шоҳ Оқ ер хисориси" насли кўйлар фермер ҳўжалиги раҳбари Абдусаттор Темиров. — Фаолиятимиз кенгайиб, жамиятда мавқеимиз юксалиб бораётган. Кўп йиллик излашлар натижасида "Фаргона-Риштон-Дашт" хисоридан кўй наслини яратдик. Айни пайтда уларнинг бош сони беш мингдан ошди. Шунингдек, 50 бош қорамолимиз, 10 та асалари уяси, 20 бош от, 100 та паррандамиз бор. Ем-хашак майдалайдиган цехимиз ишлаб турибди. Даромадимиз йил сайин ошиб бормоқда. "Ташаббус"да илк бора иштирок этишимиз. Ҳамкасбаримиз билан сўхбатлашдик, уларнинг амалга ошираётган ишларини кузатар эканман, фаолиятимизни кўшимча тармоқлар эвазига янада кенгайтириш лозимлигини англадим. Ахир бу кўшимча иш ўрни, кўшимча даромад, пировардида, юрт ободлиги дегандир.

Кўргазма давомида барча иштирокчиларнинг бир-бирдан чиройли, зеб билан безатилган қаторлари мамлакатимизда уларга яратилаётган шарафидан намунасини кўрсатиб турибди. Айниқса, хунармандларнинг маҳсулотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Саройга кираверишдаги Кўкон арава, сув чарқалаги ва катта шахмат столи эътиборингизни тортади. Бу санъат асарларини яратган инсонни излаб, кўргазма залини айлансангиз, худди шу кўллар яратган янада ажойиб хунармандлик маҳсулотларига кўзингиз тушади. Бу Тошкент вилояти Қўлбай туманилик хунар-

манд Шавкат Юсуловнинг ижод намуналари.

— Ёғочдан миллий хунармандлик буюмлари ясаб, уларни ўйиб безаймиз ҳамда шакл берамиз, — дейди хунарманд. — 12 йил олдин устага шоғирд тушиб фаолият бошлагандим. Бугун ўзимнинг 30 нафар шоғирдим бор. Ишимизни қанча ривожлантирсак, янгилик олиб кирсак, даромадимиз шунча ошапти. Ишлаб чиқариш жараёнига янгилик тарқасида миллий ва европа услубидаги ўймакорликни биргалликда ишлатиш ҳамда заргил билан безашни киргитдик. Чикинди ташталардан болалар учун ўйинчоқлар ясашни ўзлаштирдик. Утган йили 120 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Фаолиятимиз жараёнида 9 халқаро, 22 мамлакат миқёсида ўтказилган танловларда иштирок этдим. Кўп бора эътирофга, рағбатга, совринларга муносиб топилдим. Умуман олганда, ҳар бир ишимизда давлатимизнинг биз хунармандларга гамаҳурлиги, меҳрини ҳис этиб келяёмиз. Бунга муносиб равишда ғайрат билан меҳнат қиламиз.

Кўргазма иштирокчиларининг сўзлари, фаолияти сизга ҳам юқади, "ташаббусингиз" — фаолигингиз ошади. Мамлакатимизда ишбилармонларга яратилаётган шарафидан, уларга кўрсатилаётган гамаҳурлики ҳис қиласиз.

Кўрик-танлов иштирокчилари ўзаро билим ва тажрибаларини ўртоқлашдилар. Зеро, уларнинг тажрибаси — "олтин тажриба". Ахир улар яхшиларнинг яхшиси бўлиш учун беллашмоқдалар.

Бугун "Туркистон" саройида "Ташаббус-2013" кўрик-танловининг қолиблари ва совриндорларини аниқлаш ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Анвар ҚўЛМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



дийгина айтганда, йўқдан йўндирадиган кишини тадбиркор деймиз. Бугун ораимизда ана шундай инсонлар кўп. Уларнинг сарай-харақатлари, шижоатлари билан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо соҳаси ривожланмоқда, янгидан-янги иш ўринлари яратилмоқда.

— Бизнинг фаолиятимиз юртимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари билан боғлиқ, — дейди Хоразм вилояти Урганч туманидаги "Мега-газсера" қўшма корхонаси раҳбари Мурод Ваисов. — Турмушимизни обод этиш борасидаги кенг кўламли ишлар боис одамларнинг

САНОАТЧИЛАРНИНГ САМАРАЛИ КЕЛИШУВЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур технология ускуналарни мамлакатимиз ва хорижлик ишлаб чиқарувчилар ана шу анжуманда тақдир этиши мумкин.

— Мени аслида мини-технологиялар қизиқтиради, — дейди тадбиркор Рўзмет Козимов. — Кўргазмада асосан оғир саноат корхоналари учун мўлжалланган технологиялар намойиш этилаётгани маълум бўлса-да, қизиқтириш туйғулари келгандим. Таассуротларим жудаёми яхши. Айниқса, ўзимизнинг JV MAN AUTO UZBEKISTAN корхонаси экспозицияси маълум бўлди. Корхона томонидан очик қан самосваллари, бетон қорғичлар, автотранлар, бурғилар қурилмалари учун платформалар, қудуқларни цементлаш

қурилмалари, шатаклар, коммунал техника ва бошқа кўплаб ускуналар намойиш этилган. Корхона экспозицияда ўз маҳсулотларини намойиш этиш, реклама қилишда ҳаёт элликлардан қилинмаган. Энг гаважум кўргазмалардан бири ҳам шуларнингки. Маҳсулотнинг техник кўрсаткичлари ёки харида билан боғлиқ зарур маълумотлар билан шу ернинг ўзиде танишишигиз мумкин. Тарқатма материалларида барчаси акс этган. Шунингдек, "KRANTECHNA" компанияси маҳсулотлари ҳам қизиқиш уйғотди. Компания чиқити қайта ишлашга ихтисослашган технологияларни етказиб бераётган экан. Кўмир брикетни ишлаб чиқариш бўйича бизнес режамиз бор эди. Компания вакили билан бу борада анча фикрлашдик.

— Ушбу кўргазма натижасида самарали ҳамкорлик учун кенг имкониятларга эга бўлдик, — дейди Литваннинг "KRANTECHNA" дилерлик компанияси савдо ишлари бўйича менежер Редас Раустаускас. — Компаниямиз фаолияти чиқит маҳсулотларни қайта ишлашга қаратилган. Зичлаш, қайчилаш технологияларини етказиб берамиз. Технологияларимиз асосан металллар — чўян, пўлат, жез, бронза, алюмин, мис, шунингдек, ёғоч-тахта қипиғи, ғалла похони ва қорғоз кабиларни зичлаш — брикетни ҳолига келтиришга ихтисослашган. Кўргазма давомида тадбиркор Рўзмет Козимов каби айнан кўмир брикетини ишлаб чиқаришга қизиққанлар кўп бўлди. Маълум бўлдики, шу турдаги маҳсулотга

талаб бор. Бизда айнан шундай технология хозирча йўқ. Лекин муҳандис-мутахассисларимиз билан маслаҳатлашиб, мавжуд технологияларимизга бироз ўзгартириш киритиш, талаб қилинган маҳсулотни тайёрлаб беришга компаниямизда имконият бор. Гувойи бўлган индиздек, бундай тадбирлар бозор талабини ўрганиш, турдош компаниялар билан танишиш ўз устимизда ишлаш, пировардида, ривожланишимиз учун анча фойдалди. Бунинг учун анжуман тақдиротчиларига, хусусан, Ўзбекистон томонига миннатдорчилик изхор этаман. Ишончим комилки, ҳамкорлигимиз икки томон учун ҳам манфатли, истиқболли бўлади.

Азиз НУРУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МАВЗУСИ: "Обод турмуш йили" Давлат дастурини амалга оширишда ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга, бандлигини оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, аҳоли турли қатламларига манзилли ижтимоий кўмак кўрсатишга йўналтирилган бошқа ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни бажаришда ННТ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ижтимоий шериклигини кучайтириш.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади: — аёллар ва ёшларни, ёш оилаларни, имконияти чекланган фуқароларни ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож бошқа қатламларини ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш; — аёллар ва ёшларни ижтимоий-хуқуқий ҳимоя қилинишини, реабилитациясини, бандлигини таъминлашни янада кучайтириш, мамлакатимиз худудларида ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш; — аҳолига янги иш ўринлари яратиш ва ишга жойлаштиришга ёрдам кўрсатиш; — худудларимизда, айниқса, узоқ қишлоқ худудларида, оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва халқ хунармандчилигини, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шакллари ривожлантиришга янада кўмаклашиш; — ёшларни, энг аввало, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлиари би-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МАВЗУСИ: «Мустақил оммавий ахборот воситаларини янада мустаҳкамлаш, қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожланиш соҳасидаги давлат дастурлари талабларини амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар сиёсатининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, аҳолининг хуқуқий онгини шакллантириш, хуқуқий маданияти ва хуқуқий билимларини юксалтириш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади: — «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган давлат ва жамият бошқаруви устувор вазифаларини ҳал этишда худудий нодавлат ОАВларнинг фаол иштирокини таъминлаш; — давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорлар, авваломбор, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш; — аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини янада яхшилашда, аҳоли орасида, айниқса, ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВларнинг ролини ошириш; — аҳолининг, энг аввало, ёшларнинг дунёқарабини кенгайтириш ва маънавий қадриятларимизни янада мустаҳкамлаш, уларда мустақил тафаккурни тарбиялаш; — нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга, аҳолининг хуқуқий онгини шакллантириш, хуқуқий маданияти ва хуқуқий билимларини юксалтиришга кўмаклашиш; — миллий матбуотнинг сифати, маҳорати ва самарасини изчил ошириш; — босма ОАВлар материалларини мамлакатимиз аҳолиси-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Боши 1-саҳифада)

Ушбу қонунни муҳокама қилиш вақтида кўрсатиб ўтилганидек, қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, депутатларнинг профессионал фаоллигини ҳам, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлашдаги, уларни муҳокама қилиш ва такомиллаштиришдаги ролини ҳам оширади. Бу эса қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифатига, қонун ижодкорлиги жараёнида демократлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Сенаторларнинг фикрича, тақлиф қилинаётган нормалар сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлар гуруҳларининг) палата томонидан қабул қилинаётган қарорларга қонун лойиҳасини кўриб чиқишининг ҳамма босқичларида таъсир кўрсатиш имкониятларини оширишга, ўз сиёсий партияларининг дастурий ҳужжатларига ва сайловчиларининг манфаатларига асосланиб, қонун лойиҳаси бўйича ўз нуқтаи назарларини ҳар томонлама ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқуллади.

Шундан кейин парламент юқори палатасининг аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво, Жинойят, Меҳнат, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал, Божхона, Оила кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Табийи монополиялар тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаз қилиш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокама вақтида сенаторлар тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини хуқуқий муҳофаз қилишни кучайтиришга, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга ёрдам беришини таъкидладилар.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича хуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани (Сеул, 2012 йил сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам муҳокама қилиб, маъқулладилар.

Сенат аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги масалани кўриб чиққан, конституциявий ваколатларига мувофиқ бир қатор муассасалар, вазирликлар ва идораларнинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ва ҳисоботини тингладилар.

Чунончи, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, тасдиқладилар. Қайд этилганидек, омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансabdор шахслари томонига инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риод этилиши устидан парламент ва жамоат назоратини кучайтириш чораларини амалга оширишга, қонун ҳужжатларини, шунингдек, фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва

тиклаш механизмларини такомиллаштиришга ёрдам беришга қаратилди. Фуқароларнинг хуқуқий маданиятини ва хуқуқий онгини ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат ҳокимияти органлари, хуқуқни муҳофаза қилиш ва суд тизимлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Ҳисobot йилида омбудсман томонидан 20 дан ортиқ қонун лойиҳаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчиликка, халқаро стандартларга мослиги жиҳатидан хуқуқий экспертизадан ўтказилди. Мамлакат минтакаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг хуқуқий кафолатларини ҳамда шарт-шароитларини таъминлаш устидан мониторинг амалга оширилди.

Фуқароларнинг мууроазатларини электрон почта орқали қабул қилиш амалиёти кенгайиб бормоқда. Омбудсман ва унинг ходимларининг шахсий қабулида фуқароларнинг 1391 та мууроазати кўриб чиқилган. Муҳокамада сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор тақлиф ва тавсияларни баён этдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти Давлат раҳбари томонидан 2012 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2012 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилди.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ Ҳисоб палатаси томонидан ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташкил аудитордан ўтказилиб, баҳоланди, 2013 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет лойиҳаси экспертиза қилинди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг шакллантирилишини ва ижро этилишини назорат қилиш, бюджет маблағларидан қонуний ва мақсадли фойдаланилишини текшириш асосида вазирликлар ва идоралар фаолиятида аниқланган камчиликлар ҳамда йўл қўйилган қондабузарликлар бартараф этилди.

Олий Мажлис Сенатининг тавсияларига мувофиқ ҳисobot даври мобайнида Ҳисоб палатаси томонидан Бухоро ва Хоразм вилоятларида инфратузилмани, транспорт ва коммуникацияларни ривожлантиришга, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишига, шунингдек, қўшимча иш жойлари ташкил этишга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланган бўйича иш олиб борилди.

Сенаторлар Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини кучайтириш ва самардорлигини оширишга, молиявий хуқуқбузарликларни қисқартириш ҳамда келгусида уларнинг олдини олиш бўйича зарур чораларни кўришга қаратилган ўз тақлиф ва тавсияларини билдирдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг биринчи кўни ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

1 апрель — Халқаро қушлар куни

ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАРИМИЗГА ҚАНОТ БЎЛАЙЛИК

Қушлар ўзининг табиий хусусият ва имкониятлари билан бошқа жонотлардан алоҳида ажралиб туради. Ҳозирда Ер юзиде 9 минг турдан ортиқ қушлар яшайди. Улар тур сонининг кўпчилиги жиҳатидан балиқлардан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.



Юртимизда эса қушларнинг 462 турини учратиш мумкин. Рақамларни таҳлил қилганимизда, ўлкамизда сўнгги йилларда уларнинг тури ва сониде ўсиш кузатишмоқда. Масалан, 1998 йилда қушларнинг турлар сони 424 та бўлган бўлса, 2006 йилда 441 тани ташкил этди. Мазкур ҳолатни турлича изохлаш мумкин: Биринчидан, Ўзбекистонда орнитология соҳасини чуқур ўрганилиши натижасида, ҳали аниқланмаган турлар аниқланди ҳамда уларнинг рўйхати бойитилди. Иккинчидан, бошқа минтақаларда учровчи қушлар табиий равишда ўз ареалларини кенгайтириш орқали худудимизга кириб келди. Учинчидан, мамлакатимизда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга қаратилган амалий чора-тадбирлар қушлар биохилма-хиллигининг бойишига олиб келмоқда.

Имкониятининг юқорилиги уларнинг биологияси, физиологияси ва экологиясининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Жумладан, ўта серҳаракатлилик, тана ҳароратининг доимийлиги ва нисбатан юқорилиги (ўртача 42° С), суяк, тана қоплагичлари, нерв, овқат хазм қилиш, нафас олиш, кўпайиш тизимларини ташкил этувчи аъзоларининг мураккаб ва мукамал тузилиши қушларнинг хатти-ҳаракатларини белгиловчи асосий омиллар бўлиб хизмат қилади. Суяклари, пат ва парларнинг пневматик (бўшлиқда ҳаво бор) хусусияти, нафас олишининг ўзига хослиги уларнинг учишида, тананинг исбик кетмаслигида муҳим саналади.

Қадаш ва турли маросимларни ўтказиш муддатларини аниқловчи сифатида қадрлашган. Улардан эстетик завқ олишда, безак ва бошқа мақсадларда фойдаланиш келишган. Фан ва техника жадал ривожланган ҳозирги даврда паррандалар турли доридармонлар, парфюмериялар тайёрлашда қўлланилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигида зараркундаларга қарши биологик курашда йирткич ва ҳашаротхўр қушлар муҳим аҳамиятга эга. Натижада пестицидлар ва зарарли кимёвий унсурлар ишлатилишининг олдини олиш орқали экологик тоза маҳсулот етиштириш ва шу асосда инсон саломатлигини сақлаш имконияти яратилади.

Эҳтимоли бўлган турлар сони анча кўпайиб бормоқда. Буни рақамларда ҳам яққол кўриш мумкин: Ўзбекистон "Қизил китоби"да 1983 йилда 31 та қуш жой олган бўлса, ушбу китобнинг 2006 йилда чоп этилган нашрида 48 турга мансуб қушлар киритилган. Кўриниб турибдики, муҳофазага муҳтож турлар сониде ҳам ўсиш тенденцияси анча юқори. Пушти ва жингалак сақоқушлар, қора лайлак, қизилғоз, вишилдоқ ва қийқирдоқ оқушлар, мармар чуррак каби қушлар сув ҳавзаларида камайиб бораётган бўлса, тасқара, илонбургут, бургут, қиронқора, лочин, йўрға тувалоқ, оқбобур ва бошқалар республикамизнинг тоғ, тоғолди ва қургўқчил зоналарида камайиб кетмоқда. Бу жиҳат тирик организмларни инсонга таъсир кўрсатувчи муҳим экологик омил сифатида баҳолаш ва шу асосда иш юритишни тақозо этмоқда. Демак, ушбу турларни муҳофаза қилиш йўналишидаги ишларни жонлантириш, соҳа қончилигини янада такомиллаштириш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кенгайтириш мақсади мувофиқ

Фахриддин ХОЛБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.



Бугун юртимизда барча соҳаларда туб ислохотлар олиб борилмоқда. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Ушбу соҳа ривожиде ишбилармон ва тадбиркорлар учун барча ҳуқуқий асослар яратилгани имкониятлар эшигини очмоқда. Аммо шунга қарамай, айрим ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайдиган кимсалар давлатга тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қочиб, турли ноқонуний фаолиятларга қўл уришмоқда. Уларнинг бундай ҳаракатлари эса бошқа қинғирликларга йўл очиб берапти.

БОТМОНЛАБ ЕГАН ТУМШУФИДАН ИЛИНАДИ

Масалан, Жиноят ишлари бўйича Оққўрғон тумани судида кўрилган иш юқоридеги фикримизга яққол далилди.

Судланувчи Фикрат Норхўжаев олий маълумоти, икки нафар фуқаронинг отаси. Муқаддам судланмаган, библиоидек одам эди. Нима жин урдию топганига қаноат қилмай, ўзгалар қўлига қарайдиган, таъмагирик қиладиган одат чиқарди. Бу таъмагирик ҳам ўз-ўзидан эмас. Аксинча, ҳамкасбларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини яшириш, уларни юқори ташкилотларга "чақмаслик" учун қилинган безбетлик эди.

Асли касби транспортчи бўлган Ф.Норхўжаев "Тошвил-транстерминал" уюшмасига қарашли "Тошкент вилояти бош бекатлари ва йўловчи-шоҳ бекатлари" ишлаб чиқариш давлат унитар корхонасида автошоҳбекатлар, автомобил бекатлари ва касса шоҳобчалари фаолияти бўйича етакчи менежер вазифасида рисоладагидек ишлаб келаётган эди. Худудлар бўйича 4 та, яъни "Жанулий вокзал", "ТТЗ", "Ўзгарош", "Гулбахор кўргони" бекатларида чипта сотилиши унинг назоратида эди. "Топари" ҳам эл қатори, хар ҳолда бола-чақасининг қорни тўқ, усти бут эди. Энг асосийси, ўзи кўнглихотиржамликда ишларди. Шайтон йўлдан урдими ёки нафси ёлиблик қилдики, хар ҳолда топиш-тутиш борасида бировларга "бўйин қўзадиган" бўлди. Яъни ҳеч қандай ҳужжат ва рухсатномаларсиз йўловчи ташиш ноқонуний ҳисоблашни билгани ҳолда, ана шундай тарзда ишлаётганлардан пул та-

лаб қилишни одат қилди. Хусусан, Тошкент шаҳрининг "Ўзгарош" автобекатидан Қўйи Чирчиқ туманига ўзининг автомобилда ноқонуний қатновчи Азим Норматовни транспорт соҳасига тааллуқли юқори ташкилотлар номидан кўрқитиб, ундан хар ойда 50 минг сўмдан беришини талаб қилади. Ўзининг ноқонуний юрганини билган Азим Норматовнинг бу талабини хоҳлама-са-да, рад этмайди. У 2008 йил давомида жами 600 минг сўм пулни Фикрат Норхўжаевга қўшқўлаб топширади.

Ф.Норхўжаевнинг иштаҳаси очилиб, иддаоси янада катталашади. У энди 2009 йил давомида хар ойда 80 минг сўмдан олишини "михози"га етказди ва йил давомида 960 минг сўмни куртдек санаб олади. Агар Азим Норматов бировага эътироз билдиргудек бўлса, Фикрат уни Транспорт департаменти ёки Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматидаги мулкчи фериб, жаозлатиши мулкчилигини рўқач қиларди.

2010 йилга келиб, Фикратнинг "ставка"си яна ошади. Энди у хар ойда 100 минг сўмни кўрмадиган, деб ютиб юборадиган наҳангга айланган эди. 1 миллион 200 минг сўм пул унинг жигилдонидан қийналмай ўтиб кетади. 2011 йилда ҳам Фикрат Азимнинг қулгоига лағмонларни осиб, яна 1 миллион 200 минг сўмни олади. Утган йиллар мобайнида Фикрат Норхўжаев Азим Норматовдан жами 3 миллион 960 минг сўм пул олган. Ф.Норхўжаевнинг бундай таъмагириклари Азимнинг жонини халқумига келтирди. Бўлиб утган ишлар ва Фикратнинг набатда-

Ўркин ТОВЕ

○ Реклама ва эълонлар

Юртимизда фасти навбахор. Баҳор қанотларида эса Наврўзи олам — яшарин, янгиликларини, гўзаллик ва нафосат байрами. Қалбимиздаги эзгулик, шукроналик, бағрикенглик каби юксак инсоний шайхуларни янада жўштирган Наврўзи олам муборак бўлсин. Обод турмуш йилидаги ниятларини нўсбат бўлсин, азиз юртодошлар!

БУХОРО ВИЛОЯТИ КОГОН ТУМАНИДАГИ «ЗИРАБОД» ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ 23-3:
Лот-1. Фарғона вилояти Бешарик туманидаги "Шеробод-2" коллекторидеги "Сариққамиш" мелиоратив насос станциясини реконструкция қилиш.
 Бюртмачининг белгиланган бошланғич нархи (ҚҚСиз) 907 240 384 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 8 ой.
Лот-2. Қашқадарь вилояти Нишон туманидаги "23-К-5" хўжаликларида коллекторини қуриш.
 Бюртмачининг белгиланган бошланғич нархи (ҚҚСиз) 1 222 288 047 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 11 ой.
Лот-3. Сирдарь вилояти Гулистон шаҳридаги темир йўл ва авто йўл остидан ўтувчи дюкердан бошлаб "ОК-2" ёпик коллекторини реконструкция қилиш.
 Бюртмачининг белгиланган бошланғич нархи (ҚҚСиз) 1 758 723 801 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 8 ой.
Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Бюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

Бюртмачи манзили: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.
Савдо ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.
Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришига банк қараломасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малякага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.
 Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари қўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат

таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер тақлифлари иштирокчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.
 Танлов савдоларида катнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун суровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй, 308-311 хоналар. Тел.: 241-15-26, 241-15-32, факс: 241-15-37.
 Бир тўплама танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.
 Тақлифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридеги манзилда қабул қилинади.
 Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишининг охири муддати оферталар очилиш куни ва соатига.
 Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридеги манзилда ўтказилади.

“TASHKENT REALTOR SERVICE” МҶЗ
 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг 2013 йил 26 март куни бўлиб ўтган танлов савдолари натижаларини маълум қилади:

№	Объектнинг номи	Жойлашган манзили	Минимал қиймати (сўм)	Сотилиш қиймати (сўм)
1	"Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш сервис объектлари" қуриш учун 0,015 га ер участкасига бўлган доимий ҳуқуқ	Тошкент вилояти Зангиота тумани Хонобод ҚФЙ Ф.Махмудов маҳалласи	73 345	300 000
2	"Хунармандчилик санъати ва тикувчилик тўғараги биноси" қуриш учун 0,04 га ер участкасига бўлган доимий ҳуқуқ	Тошкент вилояти Зангиота тумани Қатортол ҚФЙ ҳудуди	195 586	300 000

Лицензия RR-0008

Утерный диплом № 248730, выданный в 1999 г. Ташкентским Финансовым институтом на имя Каримова Анавара Солижон угли, считать недействительным.
 Утерный план и документы (от 29.03.2000 г.) квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Чилчор – 23, 18, 68, выданный Утерным БТИ на имя Лаврина Алексея Петровича, считать недействительным.
 Утерную гувохнома от плана ТА 1250193 (788-10) от 14.07.2011 г. по адресу: Утерный р-н кв-л 23 д. 42, выданную Утерным БТИ на ООО "OMAD-JAMOL", считать недействительным.
 СП ООО "ATLANT PROM TEKS" (ИНН 207135834) объявляет об уменьшении уставного фонда с 1 146 143,20 долларов США до 1 390 243,2 долларов США (Основание: протокол общего собрания учредителей № 5 от 27.03.2012 г.). Адрес: г. Чирчиқ ул. проспект А.Темурда д. 1. Тел.: +99890 175-44-66.
 ДП "ALTIARIK POLIMER", зарегистрированное решением хокимията М.Улугбекского р-на г. Ташкента (№ 004643-04 от 29.01.2010 г. ИНН 301159132), расположенное по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Буюк Йпақ Рули д. 1 кв-ра 53, ликвидируется (решение учредителя № 1 от 27.03.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.
 Тошкент вил. Паркент т. хокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан (04.02.2011 й., реестр №000680) билан рўйхатдан ўтган "ABDULHAMID PLUS" МҶЗ ташкили ҳуқуқий шакли "ABDULHAMID PLUS" Ошловий корхонасига ўзгартирилишини маълум қилади. Тел.: (+99894) 402-50-51.
 Тошкент ш. Юнусобод т. 3-мавзе 2-уй 3-хонадон учун Тил-ляҳоджава Муқаррамжон номига 25.07.2005 й.да берилган ТА № 0075235 рақамли бино ва ишоотга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганини тўғрисидаги гувохнома си йўқлигини сабабли бекор қилинади.

ООО "GLOBAL ASIA MIKROKREDIT TASHKLOT" (ИНН 207135224), расположенное по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н ул. Фарғона йўли д. 2 кв-ра 40, зарегистрированное отъемом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Хамзинского р-на (18.12.2012 г., № 004221-07), ликвидируется (решение о добровольной ликвидации протокол учредителя № 1 от 22.03.2013 г.). С момента гос. регистрации финансово-хозяйственную деятельность не проводится. Претензии принимаются в течение 2 месяцев по тел.: 311-09-05.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси соҳа фахрийси
Тимур КАМАЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси жамоаси Қашқадарь вилояти Чорва озуқа бирлашмаси раиси Шомурод Султоновга падари бузруквори
ЭШИМ отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

«ТАХИАТОШДОНМАҲСУЛОТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Озод ва обод юртда яшаётган барча юртдошларимизни қадимий ва сеvimли байрамимиз — Наврўзи олам билан қизгин муборакбод этади. Барчангизга узоқ умр, бахт-саодат, яратувчанлик ишларингизда зафарлар тилайди. Соғиниб кутилган ушбу гўзал дамлар шуқуҳи йил бўйи кўнгилларни тарк этмасин! Гама мустақимлигимиз йилдан-йилга мустаҳкамланиб, хирмонларимиз юксалиб бораверсин. Халқимизга хос аҳиллик, ҳамжиҳатлик ҳеч қачон йўқолмасин. Мудом юртимиз тинч, осойишта, халқимиз омон бўлсин!



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ «ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИККИМ» ХАЖ ЖАМОАСИ

ағуз юртдошларимизни,
қўрқмадан, ағраф соҳа
ходимларини, таъриқкор
бободарқорларимизни ўйғониш,
этилатини фазели — Баҳор
қанда қуғ ва муқаррам
айём — Наврўзи олам билан
салтанат муборакбод этади.
Фортимиз соҳибдорлари қуғи элчи
ёни баракали келишини, таъриқни
ёғуз юз билан эҳтироби, ҳосили наф,
бери тили бўлишини тилайди.



Баҳор келди, Наврўз келди, ҳамал келди,
Дов-дарахту экинларга амал келди,
Дуёримда Наврўз буғун, байрам буғун
Кўнми уйин равшан этиб, садал келди.
Ёшлик тўғи, сеvim тўғи Наврўз эғуз,
Ёр юзми пушиб яшил баҳамал келди.



Бўғун олам эҳтироби, Наврўз буғун,
Кўнми созу тилда эҳтироби сўз буғун,
Эғуз эҳтироби мавъи уғраф эҳтироби ағуз,
Шўғиманай борлиққа боқиб кўз буғун.

Юртимизга ободлик, орасталлик, шоду хуррамлик ва баҳорий суғуз олиб келган Наврўз айёми барчага муборак. Чечаклар бўйидан сармаст қалбларни фусункор фаслнинг беғуборлиги, нафислиги, файзу таровати асло тарк этмасин. Ҳар тунингиз Қадр, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!

«Шўрчидонмаҳсулотлари» АЖ жамоаси

БУХОРО ВИЛОЯТИ ЎСИМИКЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни
Наврўзи олам билан муборакбод этади.
Ниятими — байрам кўнларидан
хуш кайфият, кўнлариникилик,
шоду эҳтироби кўнларимизни
илм бўйи тарк этмасин!
Иштиқболм порток Ўзбекистонимизга
хел қатон кўз тегмасин!



<p>Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграр саноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.</p>	<p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиҷаҳон ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулло ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шероф ҚУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. ISSN 2010-7023 7 72 0 1 0 1 7 0 2 0 0 7</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.</p>	<p>Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар</p>	<p>Навбатчи муҳаррир: Ш.ИҶУЛДОШЕВ Мусаҳҳиж: О.ОЧИЛОВ Дизайнер: М.СОБОМУХАММЕДОВА</p>
--	---	--	--	---	---	--